CHDPI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

"YANGI O'ZBEKISTONDA IQTISODIY VA IJTIMOIY GEOGRAFIYA FANI: RIVOJLANISH MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI"

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA MATERIALLARI

TOSHKENT, 2023 YIL 19-20 MAY

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

"ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ ГЕОГРАФИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ"

ТАШКЕНТ, 19-20 МАЯ 2023 ГОДА

XODIMLAR BO'LIMI

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

YANGI O‘ZBEKISTONDA IQTISODIY VA IJTIMOIY GEOGRAFIYA FANI: RIVOJLANISH MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI

(O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan fan arbobi, geografiya fanlari doktori, professor Ziyovuddin Muxitdinovich Akramov tavalludining 100-yilligi hamda geografiya fanlari doktori, professor Abdusami Soliyevich Soliyev tavalludining 80-yilligiga bag‘ishlangan)

**Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya
materiallari**

Toshkent shahri, 2023-yil 19-20 may

Toshkent – 2023

UO'K 323/324;910
KBK 26.8
Y-61

Tahrir hay'ati:

Sharipov Sh.M., g.f.d., dotsent; **Tojiyeva Z.N.,** g.f.d., professor; **Komilova N.Q.,** g.f.d., professor; **Nazarov M.I.,** g.f.n., dotsent; **Qurbonov Sh.B.,** g.f.f.d (PhD), dotsent; **Yanchuk S.L.,** g.f.n., dotsent; **Egamberdiyeva M.M.,** g.f.n., dotsent; **Rayimjonov R.Z.,** g.f.n., dotsent; **Egamberdiyeva U.T.,** dotsent; **Rajabov F.T.,** g.f.f.d. (PhD), dotsent.

Yangi O'zbekistonda iqtisodiy va ijtimoiy geografiya fani: rivojlanish muammolari va istiqbollari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari (Toshkent, 2023-yil 19-20-may). – Toshkent, 2023. – 316 b.

To'plamda Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universitetida 2023-yil 19-20-may kunlari bo'lib o'tgan "Yangi O'zbekistonda iqtisodiy va ijtimoiy geografiya fani: rivojlanish muammolari va istiqbollari" mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya ishtirokchilarining ilmiy maqolalari chop etilgan. Konferensiya O'zbekiston Geografiya jamiyati hamda Chirchiq davlat pedagogika universiteti bilan hamkorlikda o'tkazildi. Xalqaro konferensiya O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi, geografiya fanlari doktori, professor Ziyovuddin Muhitdinovich Akramov tavalludining 100-yilligi hamda geografiya fanlari doktori, professor Abdusami Soliyevich Soliyev tavalludining 80-yilligiga bag'ishlandi. Ma'ruzalar mavzulari O'zbekiston tabiiy komplekslari va ularning geoekologik muammolari, Yangi O'zbekistonning iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi, demografik jarayonlar va ularning mintaqaviy xususiyatlari, urbanizasiya jarayonlari va shaharlar rivojlanishi, O'zbekistonning geoiqtisodiy salohiyati va undan samarali foydalanish masalalari, O'zbekistonning transport, tranzit savdo-iqtisodiy salohiyatini yuksaltirishning geografik masalalari, O'zbekiston va qo'shni hududlarda suv-energetika resurslaridan samarali foydalanish muammolari, zamonaviy kartografiya va GAT-texnologiyalarning nazariy va amaliy jihatlari va geografik ta'limida barqaror rivojlanish masalalarini qamrab olgan.

Mazkur to'plam geograf-mutaxassislar, talabalar, magistrantlar, doktorantlar, o'qituvchilar, shuningdek, Yangi O'zbekistonning zamonaviy geografiya faniga barcha qiziquvchilar uchun mo'ljallangan.

To'plamdan o'rin olgan maqolalardagi ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas'uldirlar.

ISBN 978-9943-9636-0-3

© O'zbekiston Milliy universiteti, 2023

etnoslarning o'tmishda yashagan joylarini aniqlash mumkin [1,2].

Yuqorida qayd etilganidek xalq, qabila, urug', qavmlar bilan bog'liq joy nomlariga Farg'ona vodiysidagi ***Yaypan, Asaka*** shaharlarini misol sifatida aytib o'tishimiz mumkin. Lekin bu nomlarning etimologiyasi xaqida turlicha fikrlar bor. Quyida bu nomlarning kelib chiqishiga e'tibor beramiz: ***Yaypan*** – Farg'ona viloyati O'zbekiston tumanidagi shahar nomi. Bozoryaypan, Pastkiyaypan, Elchiyaypan, Qulbekyaypan, G'aniyaypan degan qishloqlar tarixda qayd etilgan. Ba'zilarning fikricha, yaypan geografik termin bo'lib, "tekislik", "yalanglik" degan so'z. Shuningdek, etnonim shaklida ham uchraydi. S.Qorayevning fikri keyingi paytlarda xitoyshunos olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlarda o'z isbotini topdi. Chunki, xitoy manbaalarida Yivatpuan (Yuepan) – Yaypan shaklida o'ziga xos urf-odat, yurish-turish, hatto tili va davlatiga ega bo'lgan Yaypan etnosi haqida fikr yuritiladi. Biroq Yaypan so'zining lug'aviy ma'nosi hozircha noma'lum. Shuningdek vodiydagi Asaka – Andijon viloyatidagi tuman va shahar nomi hisoblanadi. Adabiyotlarda urug' nomi – etnonim ekanligi qayd etilgan. Keyingi tadqiqotlarda nomning (etnonimning) "suvoriy" – otliq askar ma'nosi borligi haqida ma'lumotlar berilmoqda [4].

Vodiydagi ayrim shaharlarni ilmiy etimologiyasi hozircha noaniq bo'lgan nomlar ham bor. Masalan Farg'ona viloyatidagi **Quva** shahri dastlab "Hudud al-olam"da so'ngra, Istaxriy, Ibn Havqal, Muqaddasiy asarlarida Quba shaklida qayd qilingan. O'rta asrlarda Quva alohida viloyat poytaxti bo'lgan va Farg'onada Axsikatdan so'ng ikkinchi shahar hisoblangan. Etimologiyasi hozircha aniq emas. Lekin Quba degan etnonim bo'lgan. Masalan, XIX asrning 50-yillarida Orenburg atroflarida Quba nomli qipchoq urug'i qayd etilgan [4]. Mazkur shahar nomi qo'shimcha tadqiq etishga muhtoj hisoblanadi. Shuningdek vodiydagi **Rishton** shahri dastlab "Hudud al-olam"da, arab geograflari Ibn Havqal, Muqaddasiy asarlarida shahar deb qayd etilgan. Etimologiyasi hozircha aniq emas. Rashidon "to'g'ri yo'l topganlar" deb izohlanishi ko'proq diniy talqinga mos tushadi [4].

Namangan viloyatidagi **Chust** shahri eng qadimgi joy nomlaridan biri hisoblanadi. Hozircha mazkur joy nomining ham ilmiy etimologiyasi ma'lum emas. Mahalliy aholi chust so'zini tojikchada tezkor, chaqqon, epchil ma'nolarida qo'llanishiga e'tibor qaratadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, Farg'ona vodiysi shaharlari axoli punktlarining nomlanishida tabiiy va ijtimoiy omillarning o'rni taxlil qilindi. Nomalar taxlili orqali millat, xalq, qabila nomlari bo'g'liq nomlar – etnooslar, suv bilan bog'liq nomlar – gidronimlar shuningdek joyning tabiiy hususiyatlari bilan bog'liq nomlar tarqalish areali aniqlandi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмадалиев Ю.И., Отакулов П.С. Экологик топонимлар-Фарғона:2021. 188 бет.

2. Ахмадалиев Ю.И. Топонимика ва географик терминшунослик. Фарғона, 2018.-118 б.

3. A.S. Soliyev, S.K. Tashtayeva, M.M. Egamberdiyeva. Shaharlar geografiyasi. O'quv qo'llanma.-T.: «Barkamol fayz media», 2018.184 b.

4. Ахмадалиев Ю., Отакулов П., Маматисаков Ж. Фарғона водийси: шахар, кишлок ва маҳалла номлари: Жой номларининг изоҳли луғати. // Т, 2011.

Байкабилов Х.М.

ЖАҲОН ПОЙТАХТ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИПОЛОГИЯСИ

Аннотация. *Ушбу мақолада жаҳон пойтахт шаҳарларни тарихий ва замонавий типологияси ёритилган. Шунингдек, мақолада пойтахт шаҳарларининг тарихий тараққиёти асосида шаклланиш тарихи, номланиши, функциялари ҳамда бошқа миқдорий ва сифат кўрсаткичлари асосидаги замонавий концептуал типологияси ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *пойтахт, махсус федерал округ, тарихийлик, замонавийлик, типология, функционал тип, таснифий типология.*

Историческая и современная типология столичных городов мира

Аннотация. *В данной статье рассматривается историческая и современная типология мировых столиц. Также в статье говорится о современной концептуальной типологии, основанной на историческом развитии столичных городов, их истории, именовании, функциях и других количественных и качественных показателях.*

XODIMLAR BO'LIMI

Ключевые слова: *столица, особый федеральный округ, историчность, современость, типология, функциональный тип, классификаtsionная типология.*

Historical and modern typology of world capital cities

Abstract. *This article describes the historical and modern typology of world capital cities. Also, the article talks about the modern conceptual typology based on the historical development of capital cities, their history, naming, functions and other quantitative and qualitative indicators.*

Key words: *capital, special federal district, historicity, modernity, typology, functional type, classification typology.*

Фаннинг кучи нимада? деган саволга француз комусий олими Анри Пуанкарье унинг кучи изланишда, забардаст рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой эса амалиётда қўлланилишида деб жавоб берган эди [1]. Биз қуйида жаҳон пойтахт шаҳарларининг ўрганилганлик ҳолати ва уларнинг тарихий-географик хусусиятларидан келиб чиқиб, тарихий ҳамда замонавий типологик таҳлили ҳақида шарҳлашни лозим топдик.

Пойтахтлар мамлакатлар ҳаётида муҳим рол ўйнайди, улар нафақат сиёсий (давлат бошқаруви), балки шу билан бирга иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий, ҳарбий-стратегик функцияларини ҳам бажаради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг 27 сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган Саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ "2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадлари"дир. Унда БМТга аъзо давлатлар учун мазкур масала бўйича 17 та мақсад ва 169 та вазифа тавсия этилган. Дастурнинг 11- мақсади айнан "*барқарор шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойлари*"га тегишлидир [2]. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли пунктлари бўйича маркази (Ҳабибат) аҳоли истиқомат қиладиган жойларнинг барқарорлашуви, тараққиёт сиёсатини ишлаб чиқиш, қурилиш учун имкониятлар яратиш, билимларни тўплаш ва ҳукуматлараро ҳамда фуқаролик жамиятлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради [3].

Урбанизациянинг ижтимоий ва иқтисодий моҳияти билан бирга, унинг яна бошқа қирралари ҳам мавжуд. Бу ўринда мазкур жараённинг тарихий ва географик хусусиятларга эга эканлигини, макон ва замонда ўзгариб боришини алоҳида таъкидлаш жоиз. Агар турли даврларда, жумладан қадим замонларда дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиши (масалан, Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Хитой ва бошқа ҳудудларда) илк урбанизация бўлса, унинг кейинги вақтларда ўзининг кўлами, моҳияти ва мазмуни, таъсир доирасининг ўзгариб бориши, ушбу жараённинг тарихийлиги, бошқача қилиб айтганда, феномен ёки воқеликдир.

Урбанизация лотинча сўз бўлиб, "urb" – шаҳар, "zatsiya" – жараён демакдир [4]. Албатта ҳар қандай жараённинг ўзгариши ва ривожланиши унинг тарихийлигини исботлаб беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, урбанизациянинг тарихий жиҳатлари яққол кўзга ташланади. Чунончи, тарих фанининг тадқиқот объектларидан бири шаҳарларнинг пайдо бўлиши, уларнинг турли даврларда мамлакат ва бошқа ҳудудларни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишига таъсири ва аксинча, қадимги илк урбанизация муаммолари ушбу фаннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Сабаби – шаҳарлар, мавжуд ва турли сабаблар натижасида ривожланишдан тўхтаб қолган қадимги шаҳар харобаларини ўрганиш асосида тарихчилар мамлакатларнинг ўтмишини ретроспектив ўрганиш ёрдамида асослаб беради. Демак, тарих нуқтаи назаридан ва уларнинг қолдиқлари (маданий ёдгорликлар) ўтмишнинг тирик гувоҳи ҳисобланади. Айнан шу масалалар бўйича В.В.Бартольд, В.М.Массон, Ю.Ф.Буряков, Э.В.Ртвеладзе, С.П.Толстов, А.А.Аскаров, А.Р.Муҳамаджонов, Т.Ш.Ширинов, Р.Ҳ.Муртазоева, Б.Ж.Эшов ва бошқа тарихчи олимлар тадқиқотлар олиб боришган [1].

Демак, урбанизация жараёнининг ривожланишини умуман шаҳар жойларнинг мавжудлиги билан эмас, балки уларнинг функционал типлари билан баҳолаш тўғрироқ бўлади. Республикамиз олимлари: Э.Аҳмедов, Т.Раимов, О.Ата-Мирзаев, А.Солиев, А.Қаюмов ва бошқалар шаҳарларни функционал типларга ажратиш масаласи билан шуғулланишган [1].

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган пойтахт шаҳарлар тарихи, номланиши ва географик жойлашувини тадқиқ этишда ҳозирги кунга келиб жиддий илмий ютуқларга эришилган бўлса-да, шаҳарсозликнинг илк шакллари, шаҳар бошқарув тизимининг пайдо

XODIMLAR BO'LIMI

бўлиши, илк пойтахт шаҳарлар ва шаҳар-давлатлар ўртасидаги диалектик боғлиқлик масалалари тўла ечимини топган деб бўлмайди.

Географлар XIX аср ўрталаридан бошлаб пойтахтлар билан қизиқишмоқда. Уларни биринчи бўлиб немис географи И. Коль ўзининг "Европа пойтахтларининг географик жойлашуви" (1874) асарида ўрганган. У барча Европа пойтахтларининг географик жойлашувига баҳо бериб, пойтахтлардан бошлаб чўзилган радиал магистрал йўллар бўйлаб шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг зичлиги даражасини таҳлил қилди.

Шаҳарлар географиясида бир қанча олимлар томонидан шаҳарлар типологияси ишлаб чиқилган. Илк типологиялар 1891 йил Ф.Рацель, 1910 йил Семенов-Тяншанский, сўнгра Б.С.Хорев, А.С.Солиев ва бошқалар томонидан амалга оширилади. А.Солиев айтганидек, шаҳарлар маълум сабаб ва омил асосида вужудга келади. Н.Н.Баранский шаҳарлар типологиясини юқори баҳолайди, аммо у шаҳарларнинг келиб чиқиш даврини билдиради, келгуси ривожланишини кўрсатмайди, дейди. Шаҳарларнинг функционал типологиясига биноан шаҳарлар монофункционал ва полифункционал шаҳарларга бўлинади. Шаҳар функциялари ортиб бориши билан шаҳарлар йириклашиб боради. Бундай типологиянинг асосида шаҳар ташкил қилувчи функциялардир. Умуман, шаҳарлар функцияси 2 хил бўлади: шаҳар ҳосил қилувчи ва шаҳарларга хизмат қилувчи функциялардир [5].

Шаҳарларнинг бажарадиган функцияларини ўрганиш географик шаҳаршуносликда асосий ўрин тутади. Бу ҳақда Н.Н.Баранский шундай ёзган эди: "Менинг фикримча, шаҳарлар методологиясининг кўп сонли масалалари ичида энг муҳими учта ҳисобланади:

1) Мамлакат ёки район бўйича шаҳарларни, айниқса уларнинг ўрнини иқтисодий-географик алоқадорликда жойланиши;

2) Шаҳарларнинг бажарадиган функцияларини таҳлил қилиш ва функцияларининг шаҳарлар географияси учун аҳамиятини баҳолаш;

3) Шаҳарлар микрогеографияси, уларнинг ички планировкаси, яъни атрофи, маҳаллий транспорт ва бошқалар".

Европа ва Европадан ташқари пойтахтларнинг физик-географик жойлашуви типологияси XX асрнинг 80-йилларида М. Янишевский томонидан ишлаб чиқилган. Бу ерда пойтахт функцияларини ажратилган ёки тўпланганлиги, шаҳарнинг катталиги ва мартабаси, мамлакат ва пойтахт аҳолиси ўртасидаги нисбат, географик жойлашуви, барқарорлик ва мобиллик даражасига кўра пойтахтларнинг турли хил географик белгиларга асосланган типологияси таклиф қилинган.

Олимлар пойтахт шаҳарларининг турли таснифларини таклиф қилишади [13,14,15,16]. Бундай типологияга мисол сифатида нуфузли америкалик географ Питер Холл (1993) томонидан таклиф қилинган урбанологлар орасида машҳур бўлган пойтахтлар номенклатураси хизмат қилиши мумкин. Питер Холл пойтахтларнинг етти турини ажратади:

1. Кўпгина миллий даражадаги вазифаларни бирлаштирган кўп функцияли пойтахтлар (Токио, Москва, Лондон);

2. Миллий ва миллатлараро функцияларни бирлаштирган глобал пойтахтлар (Париж, Женева, Вашингтон);

3. Функциялари миллий бошқарувга қаратилган сиёсий пойтахтлар (Лиссабон, Катманду);

4. Йирик халқаро касаба уюшмалари ва ташкилотларининг штаб-квартираси бўлиб хизмат қиладиган супер пойтахтлар. Бундай пойтахтнинг классик намунаси сифатида Брюссель, Аддис-Абеба ва Жакартани (Европа Иттифоқи, Африка Иттифоқи ва ASEAN пойтахтлари) келтириш мумкин;

5. Собиқ пойтахтлар, яъни пойтахтнинг расмий ролини йўқотган, аммо мамлакатда муҳим тарихий ёки диний функцияни сақлаб қолган шаҳарлар (Самарқанд, Бухоро, Краков, Карачи;

6. Илгари бутун империянинг пойтахти бўлиб хизмат қилган собиқ империал пойтахтлари (Киото, Исфаҳон, Санкт-Петрбург, Истамбул;

7. Фақат минтақавий аҳамиятга эга бўлган провинциал пойтахтлар.

Пойтахтда пойтахтга хос (сиёсий) ва пойтахтга хос бўлмаган (иқтисодий, маданий, маъмурий ва бошқалар.) функциялар уйғунлашиши мумкин. Сиёсий пойтахт ва ҳар қандай йирик иқтисодий ва/ёки маданий марказ ўртасидаги асосий фарқ, пойтахт функцияларини бажариш - давлат ҳудудини ва унинг аҳолисини бошқаришдир. Кейла таркибида, ҳокимиятнинг учта асосий тармоғи - қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд муассасалари пойтахтларда жойлашган. Шундай

XODIMLAR BO'LIMI

қилиб, пойтахт мамлакат давлат бошқарувининг асосий марказидир. Сиёсий-географик ёки ўрта мавқега эга бўлган ҳар қандай шаҳар пойтахт бўлиши мумкин: марказий ёки ўрта мавқега эга бўлган кичик шаҳар, энг йирик иқтисодий марказ, катта шаҳар, мамлакатнинг асосий маданий ва интеллектуал маркази, тарихий шаҳар - миллатнинг рамзи ёки пойтахт сифатида қурилган янги шаҳар. Пойтахтлари йўқ бўлган мамлакатлар ҳам бор (Науру оролида, Токелау ва Ниуэ). Сиёсий пойтахтлардан ташқари, дунёнинг кўплаб мамлакатларида мамлакатларнинг асосий иқтисодий ёки маданий марказлари бўлган норасмий пойтахтлар мавжуд (улар баъзан "иқтисодий" ёки "маданий" пойтахтлар деб номланади), масалан, Нью-Йорк, Шанхай, Калкутта ва Бомбей, Истанбул, Милан, Майндаги Франкфурт, Торонто, Сан-Паулу ва Рио-де-Жанейро, Йоханнесбург.

Шаҳар ва шаҳар агломерацияси катталиги бўйича пойтахтларнинг қуйидаги турларга ажратилган.

Пойтахт шаҳарларнинг аксарияти мамлакатнинг энг йирик иқтисодий, маъмурий ва маданий марказлари ҳисобланади. 2006 йилда дунёда, шаҳар чегараларида 2 миллиондан ортиқ одам яшаган, 42 та йирик пойтахт мавжуд эди. Улар орасида энг йириклари (расмий шаҳар чегараларида 5 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган) бу - Буэнос-Айрес (12 млн аҳоли сони), Деҳли (11), Манила (11), Москва (10), Сеул (10).

Ўртача пойтахтларга 500 мингдан 2 миллионгача аҳолиси бўлган шаҳарлар киради; дунёда уларнинг сони 79 тага тенг. Ўрта пойтахтлар мисоллари: Пномпен, Дамашқ, Вена, Кампала, Браззавил.

Катта бўлмаган пойтахтлар (аҳолиси 100 мингдан 500 минг кишигача) сони дунёда 39 та. Мисол учун - Братислава, Нассау, Сува, Веллингтон, Подгорица.

Кичик пойтахтларда 30 дан 100 мингтача аҳоли истиқомат қилади; дунёда уларнинг 23 таси бор. Улар кўпинча орол мамлакатларида, шунингдек Африкадаги кичик мамлакатларда жойлашган. Кичик пойтахтларга мисоллар: Мале, Люксембург, Тхимпху, Бандар-Сери-Бегаван, Кайенна, Хониара, Апиа, Банжул.

Микропойтахтлар (1 дан 30 минг кишигача) Океаниянинг кичик орол ва архипелаг мамлакатлари (масалан, Нукуалофа, Папете, Аваруа, Корор, Паликир, Фунафути, Сусупе), Вест-Индия (масалан, Розо, кастри, Бастер, Сент-Жоржес, Валли), Африка (Виктория) ва Европанинг митти давлатлари (Андора ла Велла, Валетта, Сан-Марино, Вадуц, Монако). Бундай микро пойтахтлардан 32 мавжуд, ва улар орасида энг кичиклари Сент-Жоржес (Гренада, 4 минг киши), Сусупе (Шимолий Мариан ороллари, 2), Валли (Ангилья, 1), Ҳамильтон (Бермуд ороллари, 800 киши), Монако (800 киши).

Кўпгина пойтахт шаҳарлар ўз атрофида, майдони кенг ва аҳолиси катта бўлган, пойтахт шаҳар агломерацияларини шакллантирган, улар жисмонан пойтахтга шунчалик яқин жойлашганки, улар амалда ягона шаҳар танасига айланган. Шунинг учун кўплаб йирик пойтахтлар де-юре аҳолиси кичик, аммо де-факто (амалда), улар агломерацияси билан бирга, ўз мамлакатларининг асосий иқтисодий ва маданий марказлари ҳисобланади. Дунёдаги энг йирик пойтахт шаҳар агломерациялари Токио (37 миллион киши), Мехико (22), Сеул (22), Жакарта (18), Москва (15) атрофида шаклланди.

Иерархия даражаси бўйича пойтахт турлари қуйидагича поғоналаштирилган:

Дунёда мамлакатнинг энг йирик шаҳри бўлган 80 та пойтахт мавжуд (улар аҳоли ҳисоб-китоб тизимидаги иерархиянинг 1-поғонасини эгаллайди). Бундай пойтахтларга мисоллар Лондон, Париж, Вена, Будапешт, Копенгаген.

Мамлакат шаҳарлари тизимида иерархиянинг 2-ўрнини эгаллаган 21 та пойтахт мавжуд. Буларга, масалан, Хартум, Ла Пас, Кито, Абу Даби, Дамашқ киради.

Шаҳарлар иерархиясида фақат 18 та пойтахт 3-даражали ва қуйи ўринларни (Зипф қоидасига мувофиқ) эгаллайди. Буларга, масалан, Вашингтон, Оттава, Канберра, Претория киради.

Венгрия географи И. Бенце 1974 йилда пойтахт ва бошқа иерархик даражадаги йирик шаҳарлар ҳажмида номутаносибликнинг уч турини аниқлади:

пойтахт аҳолиси иккинчи шаҳарга қараганда бир неча баробар кўпроқ гавжум, яъни, ҳисоб-китоб тизимида иерархиянинг 2 ёки ҳатто 3-даражали шаҳарлари йўқ (Венгрия, Дания, Австрия, Ирландия, Парагвай, Уругвай, Гватемала, Аргентина, Камбоджа);

пойтахт аҳолиси мамлакатнинг энг йирик шаҳарлари (АҚШ, Австралия, Канада, Янги Зеландия) аҳолисидан кам, шунинг учун пойтахтлар иерархиянинг 2, 3 ва кейинги даражаларини эгаллайди;

иерархия даражасида пойтахт мамлакатдаги иккинчи ёки учинчи йирик шаҳарга деярли тенг, масалан, Италиядаги Рим ва Милан; Нидерландлардаги Амстердам, Роттердам ва Гаага; Исроилдаги Тель-Авив ва Қуддус; Португалиядаги Лиссабон ва Порту. И. Бенце Зипф қоидаларининг барча бу оғишлари ва бузилишларини алоҳида давлатларнинг федерализми (АҚШ, Бразилия, Швейцария, Австралия, Канада), сиёсий ва стратегик мулоҳазалар (Хитой, Туркия), аҳолининг ҳудудий тарқалишининг полицентризми (Нидерландлар, Германия, Белгия), мамлакатнинг чўзилган конфигурацияси (Норвегия, Италия) билан изоҳлайди.

Баъзи пойтахтлар мамлакатнинг энг йирик шаҳарлари ва иқтисодий марказлари эмас; ёки улар иккинчи ёки учинчи йирик шаҳарлар, ёки янги қурилган пойтахтлар ёки унинг турли сиёсий рақобатдош қисмлари ўртасида географик келишув натижасида пойтахт сифатида танланган кичик шаҳарлардир. Бундай пойтахтлар аҳолиси мамлакатнинг энг йирик шаҳри аҳолисидан бир неча баравар кам бўлиши мумкин: Ямусукро Абиджандан 40 баравар кичик, Вашингтон Нью-Йоркдан деярли 15 баравар кичик, Канберра Сиднейдан 13 баравар кичик.

Иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда пойтахтларнинг гипертрофияси (ҳаддан ташқари катта) ва гипотрофияси (жуда кичик) даражасини баҳолаш деярли имконсиз бўлгани учун, биз пойтахтда, расмий шаҳар чегараларида, шунингдек шаҳар агломерацияси ичида яшовчи мамлакат аҳолиси улушининг оддий кўрсаткичи билан кифояланишимиз керак. Ушбу улуш мамлакат ҳудудининг катталигига ва унинг аҳолиси сонига боғлиқ. Пойтахтлар рўйхати пойтахт агломерацияси ёки пойтахт (агар у шаҳар агломерациясига эга бўлмаса) аҳолисининг камайиши ҳолатида тартиблаштирилган. Мамлакатларнинг иккинчи пойтахтлари курсивда ва биринчи пойтахтдан сўнг кўрсатилган.

Пойтахт агломерациясида ёки пойтахтда яшовчи мамлакат аҳолисининг улушига кўра барча пойтахт шаҳарлар 5 турга бўлинган. Баъзи турларнинг номлари шартли берилган, чунки, бу турдаги шаҳарларнинг моҳиятига мос келадиган атамалар шаҳарлар географиясида ҳали таклиф қилинмаган.

Мамлакатнинг бутун аҳолиси яшайдиган шаҳар-пойтахтлар (Сингапур, Гибралтар, Ватикан) махсус 1-турга ажратилган.

Супергипертрофияланган пойтахтларга (уларда ёки уларнинг агломерацияларида мамлакат аҳолисининг 35-99% яшайди) Валетта (Мальта), Рейкьявик (Исландия), Ереван (Арманистон), Парамарибо (Суринам), Сеул (Жанубий Корея), Байрут (Ливан), Копенгаген (Дания), Рига (Латвия) киради. Супергипертрофиялашган пойтахтлар, қоида тариқасида, кичик континентал ва ярим континентал мамлакатларда, шунингдек, кичикороллар мамлакатларида– масалан, Уругвай, Парагвай, Гайана, Барбадос, Ямайкада жойлашган.

Гипертрофияланган пойтахтларга (мамлакат аҳолисининг 23-35 фоизи пойтахт ёки пойтахт агломерациясида яшайди), масалан, Улан-Батор (Мўғулистон), Афина (Греция), Таллин (Эстония), Боғдод (Ироқ), Токио (Япония) киради.

Кам гипертрофияланган пойтахтларга (мамлакат аҳолисининг 14 дан 23 фоизгача бўлган қисми пойтахт ёки пойтахт агломерациясида яшайди), масалан, Гавана (Куба), Мехико (Мексика), Лондон (Буюк Британия), Манила (Филиппинлар), Париж (Франция) киради.

Аҳолиси мамлакат аҳолисининг катталигига нисбатан мутаносиб бўлган **стандарт пойтахтларга** (мамлакат аҳолисининг 7 дан 14% гача бундай пойтахтларда ёки пойтахт агломерацияларида яшайди) Киншаса, Мадрид, Дамашқ, Амстердам, Пхенян, Тошкент, Кобул, Найроби, Бухарест, Москва, Сана, Дакка, Жакарта киради.

Гипотрофияланган пойтахтларга (давлат ҳудудининг турли қисмларига кам таъсир қилади ёки умуман таъсир қилмайди; уларда мамлакат аҳолисининг 7% дан камроғи яшайди) Киев, Рим, Варшава, Катманду, Берлин, Анкара, Претория, Аддис-Абеба, Оттава, Ханой, Вашингтон, Нурсултон, Берн, Деҳли, Канберра, Бразилиа, Пекин, Додома, Исломобод, Абужа киради. Охирги гуруҳга пойтахтларнинг иккита тоифаси: янги қурилган (улар стандарт иқтисодий функцияларни ривожлантирмайди; улар унчалик кўп эмас: Абужа, Белмопан, Бразилиа, Канберра, Исломобод, Вашингтон), шунингдек шаҳарлар иерархиясида 3-4-ўринларни эгаллаган ёки сиёсий функциялари ҳудудий жиҳатдан бўлинган пойтахтлар киради. Аҳолиси жуда кўп бўлган

мамлакатлар аҳолисида пойтахтларнинг улуши жуда паст: Хитой (Пекин), Ҳиндистон (Деҳли), Индонезия (Жакарта). Кўп марказли ҳудудий тузилишга эга бўлган мамлакатларнинг пойтахтлари (Германия, Нидерландлар, Швейцария, Ҳиндистон ва Хитой) унчалик катта таъсирга эга бўлмайди. Аммо пойтахтларнинг гипертрофияси ғойиб бўлган йирик империяларнинг собиқ пойтахтларига хосдир, улар ўз сарҳадларининг катта қисмини йўқотиши натижасида бутун мамлакат аҳолисига нисбатан мутаносиб бўлган собиқ пойтахт янги, қисқартирилган, чегараларга нисбатан жуда йирик бўлиб қолди. Бундай пойтахтлар кичик Европа мамлакатларида жойлашган: Австриядаги Вена, Даниядаги Копенгаген.

Шундай қилиб, дунёнинг аксарият пойтахтлари (64 %) гипертрофияланган, 20 %, аксинча, ривожланмаган (гипотрофияланган) ва атиги 15 % мамлакатнинг умумий аҳолисига нисбатан уйғун улушга эга.

Олимлар пойтахт шаҳарларининг турли таснифларини таклиф қилишади. Бундай типологияга мисол сифатида нуфузли америкалик географ Питер Холл (1993) томонидан таклиф қилинган урбанологлар орасида машҳур бўлган пойтахтлар номенклатураси хизмат қилиши мумкин [8]. Питер Холл пойтахтларнинг етти турини ажратади:

1. Кўпгина миллий даражадаги вазифаларни бирлаштирган кўп функцияли пойтахтлар (Токио, Москва, Лондон, Париж);

2. Миллий ва миллатлараро функцияларни бирлаштирган глобал пойтахтлар (Париж, Женева, Вашингтон);

3. Функциялари миллий бошқарувга қаратилган сиёсий пойтахтлар (Лиссабон, Катманду);

4. Йирик халқаро касаба уюшмалари ва ташкилотларининг штаб-квартираси бўлиб хизмат қиладиган супер пойтахтлар. Бундай пойтахтнинг классик намунаси сифатида Брюссел, Аддис-Абеба ва Жакартани (Европа Иттифоқи, Африка Иттифоқи ва ASEAN пойтахтлари) келтириш мумкин;

5. Собиқ пойтахтлар, яъни пойтахтнинг расмий ролини йўқотган, аммо мамлакатда муҳим тарихий ёки диний функцияни сақлаб қолган шаҳарлар;

6. Илгари бутун империянинг пойтахти бўлиб хизмат қилган собиқ империал пойтахтлар;

7. Фақат минтақавий аҳамиятга эга бўлган провинциал пойтахтлар.

Географлар томонидан тез-тез тилга олинадиган пойтахтларнинг бу таснифи мантиқан муаммоли кўринади, чунки бу ерда тушунчаларни ажратиш турли асослар ёрдамида бўлиб ўтади.

Биз пойтахт шаҳарларнинг қуйидаги концептуал таснифий типологиясини таклиф қилмоқчимиз:

Табиий-географик таснифи (жойлашувига кўра). Ушбу таснифда пойтахт шаҳарларнинг жойлашуви биринчи галда ҳисобга олинади. Шаҳарнинг денгиз сатҳидан баландлиги, оролда жойлашганлиги, денгизбўйи ёки қуруқлик ичида жойлашганлиги, шаҳарнинг табиий-географик хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилади.

Тарихий-генетик таснифи (вужудга келишига кўра). Тарихий-генетик таснифида эса пойтахт шаҳарнинг тарихий тараққиёти ва келиб чиқиши ҳақида сўз боради. Бу тасниф ўз навбатида архаик (қадимги) пойтахтлар, преколониал (мустамлакачилик сиёсатидан олдинги) пойтахтлар, колониал (мустамлака давридаги) пойтахтлар, постколониал (мустамлака сиёсатидан кейинги) пойтахтлар, империал пойтахтлар, нейтрал (бетараф) пойтахтлар каби турларга бўлинишимиз мумкин.

Морфологик таснифи (тузилишига кўра). Тузилишига кўра пойтахт шаҳарлар порт шаҳарлар, давлат-шаҳар типидаги пойтахт шаҳарлар, федерал пойтахтлар;

Функционал таснифи (вазифасига кўра). Ҳарбий истеҳком вазифасини бажарган пойтахт шаҳарлар, махсус (фақат пойтахт вазифасини бажарувчи) пойтахт шаҳарлар;

Этимо-семантик таснифи (номланишига кўра). Этник (номдаги пойтахтлар, соционим (ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ) пойтахт шаҳарлар, антротопоним (машҳур шахслар, давлат арбоблари, ҳарбий зобитларнинг исми-шарифи билан аталувчи) пойтахтлар, давлат (мамлакат) номи билан бир хил аталувчи пойтахтлар;

Миграцион таснифи (кўчирилишига кўра). Бу таснифга дунёдаги барча пойтахтларни қабул қилиш мумкин эмас, албатта. Чунки пойтахт шаҳарнинг кўчириш сиёсати эхтимолий нуқтаи назар билан белгиланади. Бу табиий офатлар, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий сабаблар орқали амалга оширилади.

Хулоса. Тарихийлик ва мантиқийлик тамойили нуқтаи назаридан маълумки, ҳаёт бир жойда депсиниб турмайди, унинг оқими тез ва ҳар бир янги кун, янги йилда янгича ёндашув ҳамда ўзгаришларни талаб қилади. Бу ҳаракат албатта пойтахт шаҳарларни ҳам четлаб ўтмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эшов Б.Ж. Цивилизация тизимидаги илк шаҳарлар. – Тошкент.: 2004. – Б.126.
2. Бабурин В.Л., Битюкова В.Р., Казьмин М.А., Махрова А.Г. Московский столичный регион на рубеже веков: новейшая история и пути развития. - Смоленск: Ойкумена, 2003. – 184 с.
3. Все столицы мира / Авторы-сост: О.В.Зыкина, Л.А.Бурлуцкая, Г.А.Гальперина, Н.В.Иванова. – М.: Вече, 2004. – 592 с. (илл 16).
4. Все столицы мира: Популярный справочник / Авт-сост. Л.Е.Еремина. – М.: Дрофа, 2001. – 304 с.
5. Замятин Д.Н. Феномен/ноумен столицы: историческая география и онтологические модели воображения / Д.Н.Замятин // Перенос столицы: исторический опыт геополитического проектирования. – М. Институт всеобщий истории РАН, 2013. – С. 103-105.
6. Россман В. Переносы столиц на повестке дня современных государств // https://cuberleninka.ru/article/n/perenosy-stolits-na-povestke-dnya-sovremennyh-gosudarstv.
7. Россман В. Столицы: их многообразие, закономерности развития и перемещения / В.Россман. – М. Изд-во Института Гайдара, 2013. – 336 с.
8. Тархов С.А. Переносы столиц / С.А.Тархов // География. – 2007. № 5/6. – С. 7-10.
9. Berlin – Washington.1800-2000. Capital Cities, Cultural Representention and National Identities. / Ed. by A. Daum, C. Mauch – N.Y.: Cambridge University press, 2009. – 332 p.
10. Campbell S. The Changing Role and identity of Capital Cities in the Global Era / S. Campbell // Paper Presented at the Associaton of American Geographers Annual meeting. Pittsburg, 2000. -27 p.; По-русски: Кэмпбелл С. Идентичность и меняющаяся роль столиц в эпоху глобализatsiи / С. Кэмпбелл // Логос. - №(94). – 2013. – С. 57-108.
11. David Harvey (2010) "The enigma of capital: and the crises of capitalism". Profile Books. ISBN 1-84765-201-8.
12. Eldredge H. World Capitals: Towards Guided Urbanization / H. Eldredge – N.Y.: Anchor Press, 1975. – 642 p.
13. Gottman J. Capital Cities / J. Gottman / After Megapolisis: the Urban Writings of Jean Gottman – Baltimore: Johns Hopkins Press, 1990. – P. 63-82; По-русски: Готтман Ж. Столичные города / Ж. Готтман // Логос. - №(94). – 2013. – С. 15-38.
14. Hall P. The Changing Role of Capital Cities: Six Types of Capital Cities / Capital Cities: International Perspectives. – Ottawa: Carleton University Press, 1993.
15. Treivish A.I., Zotova M.V., Savchuk I.G. Types of cities in Russia and across the globe // Regional research of Russia. – Moskov, 2014. –Vol.4. -№2. –Pp. 90-91. DOI:10.1134/S2079970514020129.
16. Tyrwhitt J., Gottman J. Capital Cities // Ekistics 50 – March/Aprial. – Oslo, 1983.

Berdiyev G'.X.

FARG'ONA VILOYATI AHOLISI TUG'ILISH JARAYONLARINING NOZODEMOGRAFIK TAXLILI

Annotatsiya. *Har qanday jamiyatlarda aholi soni qanchaligi avvalo tug'ilish jarayoni dinamikasi bilan bog'liq bo'ladi. Ushbu maqolada Farg'ona viloyati aholisining so'ngi yillardagi nozodemografik vaziyati va tug'ilish jarayonining o'zgarishlari taxlil qilingan. Farg'ona viloyatida aholining takror barpo bo'lishiga ta'sir etayotgan tabiiy-geografik, iqtisodiy-ijtimoiy, shuning aholi salomatligi omillari o'rganilgan.*

Kalit so'zlar: *aholi soni, demografiya, tug'ilishning umumiy koeffitsienti, tug'ilishning yig'indi koeffitsienti, iqtisodiy geografiya, nozogeografiya, nozodemografiya.*

XODIMLAR BO'LIMI

МУНДАРИЖА:
ОГЛАВЛЕНИЕ:

Abduvaliyev X.A. O'zbekiston shaharlari va ma'muriy tumanlarida aholi zichligi tafovutlari 3
Абдуғаниев О.И. Муҳофаза этилган табиий ҳудудлар тизимининг ландшафт репрезентативлигини миқдорий баҳолаш 7
Абдуллаев А.Г., Аманов А.Қ., Юсупов И.К. Ўсиш нуқталарини шакллантиришда саноат кластерларининг ўрни 12
Абдуллаев Б. Д., Солиев И.Р., Муминова Ф.М. Наманган вилоятида ер ости сувларининг муҳофаза қилишнинг геоэкологик жиҳатлари 17
Abdullayev I., Xudoyorova D. Qashqadaryo viloyatida alohida muhofaza qilinadigan hududlar va ularning geografiyasi 19
Abdullayev M. "Jahon iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi" fanini o'qitishda "Google Earth" dasturidan foydalanish 22
Абдуназаров У., Умаров С. Абдусами Солиевнинг Ўзбекистонда география фанининг ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳақида 25
Абдуназаров Ҳ.М., Алланов Қ.А., Ниёзов Ҳ.М. Илм-фан ривожи ва жамият тараққиётига бахшида умр 27
Абдурахмонов Д.М. Фарғона вилояти парагенетик ландшафтларидаги миграцион жараёнларнинг геокимёвий асослари 30
Avdkerim A., Sadvakasova S. Modern approach to the "green" economy: Uzbekistan and Kazakhstan 33
Алланов Қ.А., Абдуназаров Ҳ.М., Чориев А.Қ. Қуёш табассумли бағри кенг устоз 37
Атажонов М.М., Турсунов М., Нурматов Н. Андижон вилояти қишлоқ жойларида таълим тизимининг ҳудудий ташкил этилиши (мактабгача ва умумтаълим муассасалари мисолида) 39
Ахмадалиев Ю.И., Турдибоева Ш.Х. Қадамжойлар ва зиёратгоҳларни ҳудудий ташкил этилишидаги ўзига хос хусусиятлар 43
Ahmadaliyev Y.I., Madraximov A.E. Farg'ona vodiysi shaharlari nomlanishida tabiiy va ijtimoiy omillarning o'rni 46
Байкабилов Х.М. Жаҳон пойтахт шаҳарларининг тарихий ва замонавий типологияси 49
Berdiyev G'.X. Farg'ona viloyati aholisi tug'ilish jarayonlarining nozodemografik taxlili 55
Boymirzaev K.M., Naimov H.N. Farg'ona vodiysi landshaftlarining funktsional bir butunligi va dinamik geotizim sifatida o'rganilishi 58
Болат Е. Проблема формирования профессиональной ключевой компетенции преподавателей иностранного языка 61
Демеуов А.Б. Компетентностный подход к формированию туристско-краеведческих знаний, умений и навыков школьников 64
Ембергенов Н.Ж., Турсынов М.Ж., Ауезов О.Т. Қорақалпоғистон республикаси аҳоли миграцияси ва унинг иқтисодий-географик таҳлили 70
Жалолиддинов Н.Х. Ўзбекистонда пенсия таъминоти масалалари 73
Жолдасов А.С. Қорақалпоғистон Республикаси чорвачилик тармоқларини районлаштиришнинг назарий ва услубий масалалари 76
Жумаев Х.Х., Суюнов С.Ф., Хасанов К.Х. Ўзбекистонда туризм ва рекреация географиясининг ривожланиш хусусиятлари 79
Жумаханов Ш.З., Тошпўлатов А. М. Анклав/эксклав ҳудудлар: иқтисодий географик ва сиёсий географик таҳлил 82
Жумаханов Ш.З., Неъматова М.А. Наманган агломерациясининг шаклланиши ва ҳудудий таркиби 86
Ибрагимов Л., Бобоев Ш., Эргашев У. Самарқанд вилоятида агросаноат кластерларини ривожлантириш имкониятларини баҳолаш (Мароқанд-сифат кластери мисолида) 93
Иброимов Ш.И. Дельта геотизимларининг дарахтсимон ландшафт комплекслари 98
Исаев А.А., Темирова М.А. O'zbekistonda temir yo'l transporti rivojlanishining hududiy xususiyatlari 101
Исматов Б.Ш. География робототехнической отрасли и её влияние на развитие экономики Узбекистана 105

YANGI O'ZBEKISTONDA IQTISODIY VA IJTIMOIY GEOGRAFIYA FANI: RIVOJLANISH MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI

(O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi, geografiya fanlari doktori, professor Ziyovuddin Muxitdinovich Akramov tavalludining 100-yilligi hamda geografiya fanlari doktori, professor Abdusami Soliyevich Soliyev tavalludining 80-yilligiga bag'ishlangan)

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

Toshkent shahri, 2023-yil 19-20 may

Нашриёт лицензияси № 2244. 25.08.2020 й.
Офсет когози. Босишга рухсат этилди 13.05.2023 й.
Формат 60х84 1/8, Гарнитура "Times New Roman"
Босма табоқ 19,7. Адади 100 нусха. Буюртма № 30

«ZEBO PRINT» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, Ҳарбий шаҳарча, 22